БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 40 (1560)
24 ФЕВРАЛЬ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.



«Чирчиксельмаш» заводининг илғор пармаловчиси Дина Асанова ҳам кўп қатори етти йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Куч-ғайратга тўлиб-тошган Дина Асанова бу йил зиммасига оширилган мажбурият олган. Шунинг учун ҳам у смена топшириқларини муттасил равишда 200-220 процентга етказиб адо этаётир. Суратда: Ўртоқ Д. Асанова.

В. Салов фотоси.

Экишга тайёрмисиз?

Кўклам экиш кампанияси яқинлашиб келмоқда. Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари дала ишларини қизитиб юбордилар. Ҳозир ҳамма ерда баҳорги дон ва беда экиш кучайтирилди. Область бўйича шу кунга қадар 1000 гектардан ортиқ ерга дон экилди. Чигит экиладиган кунлар ҳам узоқ эмас.

Шуни унутмаслик керакки, экишнинг уюшқоқлик билан муваффақиятли ўтказилиши биринчи навбатда колхоз ва совхозлардаги мавжуд техниканинг қандай шайланганлигига боғлиқ. Область совхозлар трестининг совхозлари 15 февралдаёқ ремонт ишларини асосан тугалладилар. Ҳозир техниканинг тайёрлиги сифатини текшириш юзасидан иш олиб борилмоқда, далаларда амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ремонт вақтида йўл қўйилган баъзи бир камчиликлар тугатилмоқда. Жуда кўп колхозларда ҳам техника ремонти тугалланди.

Бироқ имкониятлар бор бўлишига қарамасдан областимизда ҳалигача 93 та ҳайдов трактори, 520 чопиқ трактори, 300 дан ортиқ чигит сеялкаси, 107 та дон ва маккажўхори экадиган сеялкалар ремонтдан чиқарилмаган. Культиваторларни ремонт қилиш айниқса қониқарсиз бормоқда. 2,5 мингдан ортиқ культиватор ҳалигача текширишдан ўтказилмаган, мавсумга тахт қилинмаган. Буларнинг ҳаммаси область колхоз ва совхозларида кўклам экиш кампаниясини уюшқоқлик билан бошлаб юборишга катта халақит бериши мумкин.

Сирдарё районининг колхозлари техникани ремонт қилишда, айниқса, орқада қолмоқдалар, бу районда 75 процент техника тайёр ҳолга келтирилган. Чиноз, Оққўрғон, Гулистон районларида ҳам аҳвол ана шундай. Бу районларнинг раҳбарлари, РТС директорлари техника ремонтини тезроқ тугаллаш ва кадрларни оммавий ўқитишни кучайтириб юбориш ва шу йўл билан тайёргарлик соҳасидаги барча ишларни яқин 10—15 кун ичида тамомлаш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари бу соҳадаги камчиликларни тезда бартараф қилишда керакли ёрдам беришлари шарт. Ремонт ишларини ўтказаётганда унинг сифатига алоҳида аҳамият бериш лозим. Ҳар бир колхоз ва совхозда мавжуд техниканинг, айниқса, қишлоқ хўжалик машиналарининг сони ва сифатини текшириш, уларнинг экиш пайтида ҳеч бир камчиликсиз ишлашига қаноат ҳосил қилингандан кейингина ремонт тугалланган, деб ҳисоблаш керак.

Дала ишларини қизитиб юбориш учун энг қулай пайтлар келди. Ҳозир барча колхоз ва совхозларда беда сепишни кучайтириб юбориш керак. Бироқ, жуда кўп колхоз ва совхоз раҳбарларининг ношудлиги туфайли бу соҳада ҳаддан ташқари сусткашликка йўл қўйилмоқда. Оқ-қўрғон, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Пискент районларида ҳалигача бирон гектар ерга беда сепилгани йўқ. Ўрта Чирчиқ районида экиш планини бажариш учун зарур бўлган 340 центнер ўрнига атиги 150 центнер беда уруғи бор, холос. Бу камчиликни тўлдириш ва беда экишни оммавий кучайтириб юбориш чоралари кўрилмаётир. Районда арпа ва буғдой экиш ҳам ана шу аҳволда. Ҳозир арпа экишни бутун чоралар билан кучайтириб юбориш зарур бўлган бир шароитда район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиги Ўртоқ Ёдгоров колхозма-колхоз юриб уруғлик қидириш билан овора.

Областнинг бошқа районларида ҳам уруғлик етишмайди. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести қўшимча уруғ қидириб топиш учун зарур чораларни кўришлари, бошқа хўжаликларда ортиқча уруғ бор бўлса уларни олиб уруғи камчил бўлган хўжаликларга тақсимлашни йўлга қўйиш лозим. Шундай қилсак, областимиз бўйича 1 мартга қадар беда экишни тугаллаш мумкин бўлади. Қулай фурсатни, шароитни қўлдан бой бермасдан барча баҳорикор ерларга дон экишни кучайтириб юбориш бурчимиздир.

Кўклам чигит экиш кампаниясининг муваффақиятли ўтказилишини таъминлашда уруғлик чигитни тахт қилиб қўйиш ҳал қилувчи шартдир. Бироқ эътироф қилиш керак, областнинг пахта заводлари ҳалигача чигитни тозалаш планини бажармадилар. Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг пахта ва луб экинлари саноат бошқармаси (Ўртоқ Нормуҳамедов) уруғликни ўз вақтида тозалаш ва уни жойларга элтиб колхоз ва совхозларга тақсимлаб бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётир. Шунингдек уруғлик чигитларни дорилаш плани ҳам бажарилмаётир. Пахта заводларининг директорлари, халқ хўжалиги кенгашининг пахта ва луб экинлари саноат бошқармаси бу муҳим ишни тезлаштириш учун бутун кучни сафарбар қилишлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эса уруғлик чигитни 1 мартга қадар ташиб олиш чораларини кўришлари лозим.

Бу йилги шароитда ариқ ва зовурларни, суғориш тармоқларини ўз вақтида тахт қилиб қўйиш айниқса катта аҳамиятга эга. Областимиз бўйича ер ишлари дурст бориб, қўлда тозалаш плани 85 процент бажарилган бўлса ҳам бироқ баъзи бир районларда бу иш жуда сустташкил этилган. Чиноз районининг колхоз ва совхозлари ариқ-зовурларни тозалаш планини 51 процент, Гулистон райони 50 процент, Юқори Чирчиқ райони 63 процент, Оққўрғон райони 65 процент бажарган. Бунинг сабаби шуки, партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари ишни тезлаштириш учун совхоз ишчилари ва колхозчиларни етарли сафарбар қилмаётирлар.

Ишни шундай ташкил қилиш керакки, яқин 10 кун ичида ариқ-зовурлар батамом тозалансин. Шундай қилсак экиш бошлангандан кейин кучлар бўлинмайди. Ариқ ва каналлардан бемалол фойдаланаберамиз.

Юқоридаги ишларни тез ва сифатли бажариш қишлоқ хўжалик мутахассисларидан катта ташкилотчиликни талаб қилади.

Область колхоз ва совхозлари етти йилликнинг иккинчи йилида зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун биринчи навбатда экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш керак.

Франция Миллат мажлиси депутатлари шарафига зиёфат

22 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова Франция Миллат мажлисининг раиси Жак Шабан-Дельмас бошчилигида республикада меҳмон бўлиб турган миллат мажлиси депутатлари группаси шарафига зиёфат берди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфатда нутқлар сўзланди.

Жак Шабан-Дельмас ўзбек халқига в бутун совет халқига умумий ва мустаҳкам тинчлик шароитида муваффақиятлар ва равнақ тошишни тилади.

Зиёфатда СССР Парламент группаси Раисининг ўринбосари И. А. Каиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССР Олий Советининг депутатларидан С. В. Стефаник, С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Республика Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси Б. Г. Мирзабеков, республика министрларидан С. Иброҳимов, С. М. Муҳамедов, В. С. Содиқова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Маъруров, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ж. Тожиевалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Ўзбекистон санъат усталари томонидан концерт берилди. Меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим қилинди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг VII пленуми

22 февралда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг VII пленуми бўлди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов «ВЛКСМ Марказий Комитетининг VII пленуми ва республика комсомол ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Пленум ВЛКСМ Марказий Комитети VII пленумининг жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашда комсомол ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисидаги қарорини ҳам муҳокама қилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенг қарор қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди. Бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан В. Ф. Антонов ва Б. Мирахмедова Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретарлари вазифасидан озод қилинди ва бюро составидан чиқарилди. М. П. Вишинский ва С. А. Назаров Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайланди.

Пленумнинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

Қўйчиликни ривожлантириб, маҳсулдорлигини оширамиз

Ишимиз анча юришиб кетди. Совлиқ қўйларимиз қўзиламоқда. Тоғ ён бағирларидаги майсазорларда қўй ва қўзиларимизнинг ёқимли маъраш-лари эшитилмоқда.

Отаримизда ҳар куни 3-4 совлиқ қўзилаётир. Уларни соғлом ўстиришга жиддий эътибор бермоқдамиз. Қўзиларни иссиқ жойда сақлаб, она сутига тўйдириб боқаяпмиз. Бу қўзиларни соғлом ва тез ўстиришнинг муҳим омилидир.

Қўзилаган ва туғиш олдида бўлган совлиқ қўйлар зоотехника талаблари асосида боқилмоқда. Қўйларга икки маҳал ем берилади. Кечалари ҳашак солинади. Кундуз кунлари яйловларда кўкка қўйиб боқилаётир. Вақти-вақти билан туз берамиз. Бу, қўйларнинг иштаҳасини очади. Қўйларни ўз вақтида суғориб туриш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар вақт бунга амал қиламиз. Бу ишларнинг ҳаммаси яхши натижа бермоқда. Қўйларнинг этигаэт қўшилиб, кундан-кунга семирмоқда.

Чўпонларимиз қўзиларнинг соғлом ўсиши учун барча чораларни кўраяптилар. Қўзилар туғилгандан кейин 10—15 кун ўтгач алоҳида боқилмоқда. Бу тадбир совлиқ қўйларни ориқлаб қолишдан сақлайди. Уларни семиз ва тез қочириш имконини беради.

Партиямиз Марказий Комитетининг тарихий декабрь Пленуми биз чорвадорлар зиммасига юксак вазифалар юклади, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотларини кўпайтиришда барча резерварни ишга солишни талаб қилди. Биз самарали меҳнатимиз билан партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Аввалари қўзилатишга етарли аҳамият берилмасди. Кўп қўзилар ориқ бўлиб, нобуд бўларди. Ҳар 100 совлиқдан олинган қўзи 110 бошдан ошмасди. Биз йўл қўйилган хаталарни дарҳол тузатамиз.

Барча куч ва имкониятларимизни ишга солиб, отаримизда 500 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 130 қўзи олишга аҳд қилдик. Олган мажбуриятимиз юксак. Лекин ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Қўйларнинг сонини кўпайтириш билан кифояланиб қолмаймиз. Шу билан бирга уларнинг маҳсулдорлигини ошириб, гўштни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшамиз. Ҳар бир қўйнинг 50-55 килограмм семизликда бўлишига эришамиз.

Кейинги вақтда қўйларни саралашга аҳамият бера бошладик. Жайлари қўйлар ҳисобига майин ва ярим майин жунли қўйларни кўпайтирмоқдамиз. Бу эса қўйчиликдан катта даромад олишга сабаб бўлади. Ҳар бир жайдари қўйдан олинган жун бир килограммдан ошмасди. Сарфланган харажат ўзини қоплармас эди. Майин жунли қўйларни кўпайтиришимиз ҳар тарафлама фойда бўлди. Бир йиднинг ўзида жун қирқиб олиш икки бараварга кўпайди. Биз бу йил ҳам жун қирқишга жиддий аҳамият берамиз. Ҳар бир майин ва ярим майин жунли қўйдан камида уч килограммга етказиб жун қирқиб олиш учун курашаётирмиз. Буни амалда бажариш мумкинми? Албатта мумкин. Жуннинг тоза, сифатли бўлиши ва юқори навда қабул қилинишини таъминлаймиз.



Отаримизда озодаликка эътибор берамиз. Қўйлар ётадиган ерлар супириб-сидириб турилади. Қийнинг қалинлашиб кетишига йўл қўймаймиз. Бу эса қўй жунини қийга ёпишиб, юлиниб кетмаслигига ва унинг яхши ўсишига сабаб бўлади. Жун толалари узун бўлади. Биз ана шундай узун толали жун етиштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Яқинда биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «1959 йилда республикада чорвачиликни ривожлантиришнинг якунлари ва 1960 йилда олинган мажбуриятларни бажариш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорини кенг муҳокама қилиб, ундан ўзимиз учун зарур хулосалар чиқариб олдик. Иқрор бўлиш керакки, ҳали биздаги ҳамма қўйлар ҳам бир хил семизликда эмас. Ҳар бир қўйнинг иштаҳасига қараб боқишда айрим ҳолларда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Албатта буни тузатишимиз лозим. Ҳар доим қўйларни яхши парвариш қилиб, бир хилда боқишга эришамиз. Ўртадан пас қўй ва қўзиларни алоҳида боқишга эришиб, қисқа вақтда уларни семиз қўй ва қўзиларга етказиб оламиз.

Биз совлиқлардан бир йилда икки марта қўзи олаётган илғор чўпонларнинг тажрибасидан кўпроқ ўрганамиз. Барвақт қўзилаган совлиқларни эрта баҳорда, узоғи билан март ойи ичида қочириб, ёзда — июнь-июль ойларида яна қўзилатиш чораларини кўрмоқдамиз. Шу йилнинг кузида эса совлиқлар яна қочирилади. Қўйларни урчитиб кўпайтиришни тезлатадиган бу прогрессив усулни қанчалик муваффақиятли амалга оширсак — қўйлар сонини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятимиз шунчалик тез ва муваффақиятли бажарилади.

М. ВАЛИЕВ,

Бўстонлиқ районидаги 14-«Ўгам» совхозининг бош чўпони.

Совет Армияси ва Флоти куни

Москвада тантанали мажлис

22 февралда Москвада Совет Армияси Марказий театрида СССР Мудофаа министрлигининг пойтахт партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флотининг 42 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Донғи кетган маршаллар, генераллар ва адмираллар, офицерлар, ишлаб чиқариш новаторлари, совет интеллигенцияси вакиллари байрамдагидек безатилган залга тўпландилар.

Президиумда СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский, Совет Иттифоқи маршаллари А. А. Гречко, С. М. Будённий, К. А. Мерецков, К. С. Москаленко, А. И. Еременко, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали Ф. И. Голиков, артиллерия бош маршали М. И. Неделин, адмирал С. Г. Горшков, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. И. Устинов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. П. Логинов, қўшин турлари маршаллари, генераллар ва адмираллар, Қуролли Кучлар офицерлари, солдат ва матрослар ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг составидаги ўзоқ баланд руҳ билан мажлисни фахрий президиумига сайланди.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский қисқача кириш сўзи билан мажлисни очди.

— Армиямиз ва Флотимиз кучи ва енгилмаслигининг асоси манбаи, —дейди Р. Я. Малиновский,— шундаки, Коммунистик партия уларнинг ташкилотчиси, раҳбари ва мураббисидир. Шундан кейин СССР Мудофаа министри айтдики, Қуролли Кучларнинг 42 йиллиги Совет мамлакати коммунизм қурилишида ва тинчлик учун курашда жуда катта муваффақиятларга эришган бир вазиятда нишонланмоқда. Р. Я. Малиновский СССР Олий Советининг тинчлик йўлида яна ташаббус кўрсатиб, яқинда Қуролли Кучлар сонини учдан бир қисмига—1 миллион 200 минг кишига қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилганлигини эслатиб ўтди.

Биз,— деб таъкидлади Р. Я. Малиновский,— партиявий-сиёсий ишларни бундан буён ҳам қунт билан яхшилашимиз, бу ишларнинг қўшинлар ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги роли ва таъсирини янада кучайтиришимиз, ҳарбий ва сиёсий тайёргарликни тобора яхшилашимиз ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашимиз керак.

Москва меҳнаткашлари номидан КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. И. Устинов, комсомол ва ёшлар номидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. П. Логинов, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан Москва областидаги «Красная заря» колхозининг сут соғувчиси В. С. Ларина армия ва флот жангчиларини табриклаб нутқ сўзладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

Мажлиснинг охирида катта концерт қўйиб берилди.

* * *

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

Меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб...

Бизнинг социалистик корхоналарда маъмурият билан бир қаторда ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳамда маданий-маиший шароитни яхшилаш учун жавобгар эканликларини тўла ҳис этадилар.

Шунга қарамай, айрим корхоналарда иш жараёнида турли англашилмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу англашилмовчилик ва ўзаро жанжаллар ҳеч қандай антагонистик характерда бўлмайди ва бунинг учун сира асос йўқ.

Бу жанжалли масалаларнинг моҳияти қандай ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари нимадан иборат? Бир томондан, бундай жанжалли масалалар айрим хўжалик ходимларининг меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд меҳнат тўғрисидаги қонунларни яхши уқиб олмаганликлари натижасида рўй бераётган бўлса, иккинчи томондан айрим маъмурлар ҳам борки, улар баъзан кўра-била туриб меҳнат тўғрисидаги қонун-қоидаларни бузадилар, жамоат ташкилотларини менсимайдилар. Шунингдек онгида эскиликнинг яшовчан қолдиқлари ҳали ҳам сақланиб келаётган, ўжарлик билан маъмурият олдига асоссиз талаблар қўйиб, жанжалли масалаларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлаётган ишчи ва ходимлар ҳам йўқ эмас.

Коммунистик партия касаба союз ташкилотларига меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек совет давлатининг манфаатларини назарда тутиш, ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган, жамиятга мумкин қадар камроқ бериб, ўзига кўпроқ олиб қолишга уринадиган айрим шахсларга қарши курашиш, уларни авайлаб тарбиялаш ҳуқуқини берган.

Касаба союз ташкилотлари ўзларининг амалий ишларида «Фабрика завод маҳаллий комитетларининг ҳуқуқлари ва жанжалли масалаларни ҳал қилиш тартиби ҳақидаги Низом»га асосланиб, рўй берган жанжалли ва ишлаб чиқаришга доир масалаларни асосан тўғри ҳал қилмоқдалар. Ходимларнинг ишдан бўшатилиши, маъмурий жазоланиши масалаларига айниқса эътибор билан қарамоқдалар.

Масалан, ўтган йили Тошкент тўқимачилик комбинатида айрим штатларни тугатиш муносабати билан 34 инженер-техникни қисқартиш зарур бўлиб қолди. Комбинат маъмурияти фабрика маҳаллий комитети билан келишмасдан ходимларни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ берган. Лекин фабрика комитети ишга аралашиб, буйруқнинг бажарилишини тўхтатиб қўйди, рўй берган ҳодисани аниқлаш мақсадида ходимлар билан суҳбат ўтказди. Натижада 31 киши ўз розиликлари билан комбинатнинг ўзида ишга жойлаштирилди. Фақат уч киши бошқа ишга ўтишни хоҳламаганлиги сабабли ишдан бўшатилди.

Яна бошқа бир мисол. Тошкент «Газоаппарат» заводининг қуюв цехида иш ҳажми камайтирилганлиги сабабли маъмурият завод маҳаллий комитетига мурожаат қилиб, токарь Назвиков, ёрдамчи-ишчи Петров ва шишилчик Бабковани ишдан бўшатишга розилик беришини сўради. Завком бу кишиларни заводнинг ўзида олиб қолишни маслаҳат берди ва маъмурият билан бирга уларни ишга жойлаштириш имконини ахтарди. Натижада ишдан бўшатилиши лозим бўлган кишилар ўз розиликлари билан заводдаги бошқа ўринларга жойлаштирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин айрим касаба союз ташкилотлари ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланмайдилар, бу муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда сусткашлик қиладилар. Масалан, Тошкент бактериал ўғитлар лабораториясининг директори ўртоқ Бетриддинов уборщица Дубцовага бинони тозалашдан ташқари, кечаси қоровуллик қилишни ҳам топширди. Лекин Дубцова бу вазифани ўз зиммасига олмади. Бетриддинов уни «қоровуллик вазифасини қатъиян рад этгани учун» ишдан бўшатди. Лабораториянинг маҳаллий комитети ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланмади. Маъмурият Дубцовани маҳаллий комитетнинг розилигисиз нотўғри ишдан бўшатиб юборди. Кейинчалик Дубцова ўз вазифасига қайтариб олинди. Бироқ, бу иш маҳаллий комитетнинг қарори билан эмас, балки халқ судининг ҳукми билан бўлди.

Касаба союз Тошкент область совети ҳузуридаги юридик консультация ходимлари мавжуд қонун ва қоидаларни тушунтириш соҳасида кўпгина ишлар қилди. Ўтган йилнинг ўзида 14 мингдан ортиқ касаба союз аъзолари турли масалалар билан юридик консультация ходимларига мурожаат қилди. Уларнинг ҳаммаси ўзларига тегишли масалалар юзасидан бепул юридик ёрдам олдилар. Консультантлар 145 корхонага бориб меҳнат ҳақидаги қонунлар ва меҳнаткашларнинг турли ҳуқуқлари тўғрисида тушунтириш ўтказдилар. Касаба союз аъзоларидан келган 227 аризага ёзма жавоб берилди. Консультантлар меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб 190 марта судда иштирок этдилар. Юзга яқин лекция ўқилди ва доклад қилинди.

Касаба союз ташкилотлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишлари, меҳнаткашларнинг меҳнат қонунида берилган ҳуқуқ ва манфаатларини поймол қилишга уринувчи айрим маъмурларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини қатъиқ қоралашлари, рўй берган жанжалли масалаларни уддабурролик билан тез ҳал қилишлари лозим.

В. ЖУТОВ,
Узбекистон касаба союзлари Советининг инструктори.

Самарали натижалар

Ишлаб чиқариш кенгашларини ўз вақтида ўтказиб туриш, унда ишга ҳалол бераётган камчиликларни очиб ташлаш ва бартараф қилиш корхонанинг бир меёрда ишлашини таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Оҳангарон шаҳридаги 9-шахта касаба союз комитети (раиси ўртоқ Р. Мурзин) ишлаб чиқариш кенгашларини белгиланган план асосида ва пухта тайёргарлик билан ўтказиб турмоқда. Доимий ишлаб чиқариш кенгашининг составига ишнинг кўзини билган илғор шахтёрлар, кон мастерлари киритилган.

Шахтанинг 5-участкаси энг қолоқ участкалардан бири ҳисобланар эди. Участкада меҳнат тўғри ташкил этилмас ва меҳнат интизоми анча бўшашиб кетган эди. Бу масала ҳам ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан шахтёрлар йўл қўйилган камчиликларга иқрор бўлиб, участкани илғор участкалар қаторига ўтказиш учун конкрет тадбирлар белгиладилар. Шундан сўнг 5-участканинг ишида жиддий ўзгариш юз бера бошлади. Бу участка етти йилликнинг биринчи йили топшириғини 104,2 процент қилиб бажаришга эришди.

Шахта кончилари етти йилликнинг иккинчи йили бошиданоқ унумли меҳнат қилиб, кундалик топшириқни ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Кўпгина кончилар, шу жумладан навалоотбойчилардан А. Қосимов, Б. Эрматов, Т. Ҳасанов, А. Каиқулов ва бошқалар шу кунларда март ойи ҳисобига ёқилғи қазиб чиқармоқдалар, ҳар сменада пландаги 10 тонна ўрнига 14 — 16 тоннадан кўмир бермоқдалар.

И. АҲМЕДОВ.

Ҳар куни 25 вагон пишиқ ғишт

Чирчиқдаги ғишт заводида янги иккн тоннелли печь ишга туширилди. Бу печда барча ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялашган бўлади. Хом ғиштни сушилкага териш, ундан олиш, пиширишучун печга ташиш ҳамда печь камераларидан пишган ғиштларни олиш каби кўп куч талаб қиладиган оғир иш процесслари махсус машина ва механизмлар ёрдами билан бажарилади. Илгари эса бу операцияларнинг ҳаммаси қўл кучи билан адо этиларди.

Бу печни ишга тушириш ғишт ишлаб чиқаришни деярлик иккн баравар кўпайтириш имконини беради, унда ишловчилар сони оддий печдагига нисбатан иккн баравар кам бўлади. Ҳар сменада фақатгина 9 киши ишлайди. Печдаги ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаш бўйича белгиланган қўшимча тадбирлар амалга оширилгач, бир сменада беш киши ишлайдиган бўлади.

Янги печда ҳар куни 25 вагон ғишт пиширилади. Шу печь ҳисобига Чирчиқ қурилишлари бу йил ўтган йилдагига нисбатан 18 — 20 миллион дона кўп ғишт оладилар.

Б. НЕФЕДОВ.

Март ойи ҳисобига

Янгийўлдаги тикувчилик-атторлик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида ишлаб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ишлаб чиқаришга прогрессив технологияни жорий қилиш, илғор иш методларини кенг қўлланиш натижасида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилмоқда. 1960 йилнинг дастлабки икки ойлик плани муддатидан 13 кун илгари тўла бажарилди.

Меҳнатда шундай катта ютуқларни қўлга киритаётган фабрика коллективи шу кунларда ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда.

Янги корхона

Бекободдаги темир-бетон буюмлари заводининг биринчи навбат қурилиши тугалланди. Бу корхона «Главголодностепстрой» га қарашли трест ва қурилиш бошқармаларини темирбетон конструкциялари билан таъминлаб туради. Ҳозир бу ерда монтаж қилинган барча машина ҳамда асбоб-ускуналарни синаб кўриш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган. Учта катта лентали конвейер ишга туширилди. Бу конвейерларда шағал, қум, цемент ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа материаллар бетон қориш цехига узатиб берилади. Инерт материалларини навларга ажратиш учун махсус агрегатлар ҳам бор.

Янги завод Мирзачўлда олиб борилаётган қурилиш ишларини тезлаштиришга ҳамда зарур бинокорлик материаллари билан таъминлашни яхшилашга ёрдам беради.

Корхонанинг биринчи навбати тўла ишга туширилиши билан унинг иккинчи навбатини қуриш бошланиб кетади. Натижада корхонада ҳар йили 60 минг кубометр темирбетон конструкциялари тайёрланадиган бўлади.

Е. ГОДОВИКОВ.

Самарқанддаги озиқ-овқат техникумини битирган Элмирани Тошкентда эндигина ишга туширилган сут комбинатига юборишди. У бу ерда мастер-технолог бўлиб ишламоқда. Элмира Қодирова ўзининг ҳалол ва сифатли меҳнати билан коллектив орасида катта обрў қозонди. Суратда: ўртоқ Э. Қодирова.
В. Салов фотоси.

Шарафли вахтада

Янгийўл саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб 1960 йил биринчи квартал планидан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг таннархини камайтириш ҳақида ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар.

Район меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Январь ойида қўшимча равишда 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил халқ хўжалик буюмлари тайёрланди. Кун сайин қизиб бораётган социалистик мусобақада тикувчилик-атторлик фабрикасининг аҳил ва меҳнатсевар коллективи олдинда бораётир. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилиш натижасида бу ерда январь ойи плани 155,5 процент қилиб адо этилиб, шаҳарда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Қўшимча равишда ўнларча минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланди, давлатнинг 60 минг сўмлик маблаги тежаб қолинди. Меҳнат унумдорлиги декабрь ойидагига нисбатан 27 процент ошди.

8-ғишт заводлари бошқармаси коллективи ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. Ғишт пиширишда прогрессив технологияни қўллаётган коллектив январь ойида қўшимча равишда қурилишларга деярлик 500 минг дона пишиқ ғишт, 20 мингта черепица етказиб берди. Шаҳардаги бошқа саноат корхоналарининг коллективлари ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. Сут заводи, пахта тозалаш заводи ишчилари ойлик топшириқдан ташқари ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Февраль ойи топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Корхоналарда институтлар

Ўзбекистон пойтахтидаги Ўрта Осиё политехника институти республиканинг деярли ҳамма йирик саноат марказларида ўз филиалларини ташкил қилди. Бу филиалларни ташкил қилишда корхоналарнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб, янги олий ўқув юртларининг ўқув материал базаси ҳақида ғамхўрлик қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Чирчиқ шаҳрини кимё, машинасозлик ва энергетика шаҳри деб атайдилар. Институтнинг бундан уч йил муқаддам ташкил этилган Чирчиқ филиали индустриянинг ана шу тармоқларидан ҳар қайсиси учун инженер кадрлар тайёрлашга киришди. Ҳозир бу ерда тўрт қаватли ўқув корпуси қурила бошлади. Бу корпусни шаҳарнинг энг катта корхоналари — электр кимё комбинати ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи пай асосида қурмоқда. Бу корхоналарнинг цехларида лабораториялар учун жиҳозлар ва кўргазмали қуроллар ҳам тайёрланмоқда.

Институтнинг Олмалиқдаги филиали ишга тушганига икки йил бўлди. У кон ишлари ва қурилиш соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрламоқда, филиалга оталик қилувчи полиметалл комбинати янги ишлаб чиқаришни — шу ерда қурилаётган мис-бойитиш фабрикасини кадрлар билан таъминлайдиган яна бир факультет очиш учун зарур база вужудга келтирди.

Янги ўқув йилида Бухоро филиалида машғулотлар бошланади. Бу филиал табиий газ ва нефть конларини ўзлаштириш ва ишга тушириш учун инженерлар тайёрлаб чиқаради. Бухоро халқ хўжалиги кенгаши ҳозирдаёқ махсус ўқув биноси қурди ва уни жиҳозламоқда.

Ҳозирги вақтда Фарғонада, Оҳангаронда ва республиканинг бошқа шаҳарларида институт сиртқи бўлимининг таълим-консультация пунктлари ташкил қилинмоқда. Бу пунктлар институтнинг бўлажак филиалларидир. (ЎзТАГ).

Коллектив қарори маъқулланди

Тошкентдаги «Подъемник» заводининг коллективи корхонани тубдан қайта қуриш планини амалга ошира бошлади. Крансозлар ишлаб чиққан бу планнинг амалга оширилиши натижасида заводнинг ишлаб чиқариш қуввати қарийб икки баравар ошади.

«Подъемник» заводи чиқараётган кранларнинг ҳар қайсисида бевосита Тошкентда ишлаб чиқарилган қисмлар 20 — 22 процентдан ортиқ бўлмаса ҳам, бу завод кранлар етказиб берувчи асосий корхонадир. Механизмларнинг бошқа қисмларини Магнитогорск, Ленинград, Олмаота, Елгава, Харьков, Запорожье ва бошқа шаҳарлардаги 23 завод ишлаб чиқаради.

Бундай узоқ масофадаги корхоналар билан кооперативлашиш узел ва деталларни ташиш учун жуда кўп қўшимча харажатларга олиб келаётганлиги, планлаштиришни қийинлаштирганлиги, корхонамизда ҳам, кооперативлашган бошқа корхоналарда ҳам ишлаб чиқаришнинг бир меёрда ишлашига халақит бериши тажрибада кўрилди.

Коллектив кранлар учун асосий конструкциялар ва узеллар ишлаб чиқаришни корхонанинг ўзида йўлга қўйиш ҳамда кранлар ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 65 процентини шу корхона зиммасига юклаш керак, деб бир овоздан қарор қилди. Айни бир вақтда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳақидаги таклиф ҳам маъқулланди. Ўзбекистонда фойдаланиладиган башняли кранларнинг ҳаммаси ҳозирча бошқа республикалардан келтирилмоқда. «Подъемник» заводи халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бу агрегатларни ҳам ўзи етказиб бера олади.

Коллективнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган бу ташаббусини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маъқуллади. Ҳозирги вақтда корхонани реконструкциялаш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бир ярим-икки йилдан кейин завод ҳузурида янги ишлаб чиқариш корпуси вужудга келади, мавжуд цехлардаги ишлаб чиқариш процесслари қайтадан ташкил қилинади. Реконструкциялаш учун сарф қилинадиган маблағлар яқин беш йил ичида қопланади. (ЎзТАГ).

Кўплаб пойафзал

Чирчиқдаги пойафзал фабрикаси шаҳарнинг илғор корхоналаридан ҳисобланади. Бу ерда болалар ва катталар учун оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Пойафзалчилар ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги технология линиялари ва конвейерларни ишга тушириш ҳисобига маҳсулот чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар. 1960 йилнинг дастлабки ойида пландан ташқари 3 минг жуфтдан ортиқроқ пойафзал ишлаб чиқарилди.

Яқинда корхонада янги конвейер линияси ишга туширилди. Бунинг натижасида шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 процент кўп маҳсулот чиқарилади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги олдидан

Ленинни кўрганлар билан учрашув

Суратда: Ш. Ғойибжонова колхоз аъзоларига В. И. Ленин тўғрисидаги хотираларини гапириб бермоқда.
В. Салов фотолари.

Яқинда Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхозда В. И. Ленинни кўрган ва у билан суҳбатлашган кекса коммунистларнинг колхоз аъзолари билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Бу кечани колхоз партия ташкилоти, Янгийўл район партия комитети ҳамда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент область бўлими биргаликда ташкил этди.

Учрашув кечасига В. И. Ленин билан суҳбатлашганлардан 1920 йилдан КПСС аъзоси Ш. Ғойибжонова, 1927 йилдан КПСС аъзоси Г. Исмоилова ва кекса коммунист Ҳ. Тошмуҳамедовлар иштирок этди.

Учрашув кечасига колхозда яшовчи кексалар ва ёшлардан жуда кўп киши қатнашди. Шинам безатилган колхоз клубининг тўрига Ленининг портрети қўйилган. Ильич нури хонани чароғон қилиб, порлаб турибди. Кекса коммунистлар залга кириб келишлари билан, колхозчилар уларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олади.

Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг доҳи Ленин билан учрашувларидан бири, — деб сўз бошлади Ш. Ғойибжонова, — 1921 йилнинг июнь ойида бўлган эди. 1921 йили Шарқ хотин-қизларининг съездига делегат қилиб сайланган 70 хотин-қизнинг талабига мувофиқ, Москвага экскурсия уюштирилган эди. Шарқ хотин-қизларининг бу делегациясини коммунистик ҳаракатнинг кўзга кўринган арбоблари Н. К. Крупская, М. И. Ульянова, К. Цеткин, М. Колонтайлар кутиб олдилар.

Ленин билан учрашиш, у билан озгина бўлса ҳам суҳбатлашиш, айниқса бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган кишининг хотирасидан улуғ ва жуда камтар киши тўғрисидаги порлоқ хотиралар сира кўтарилмайди. Ўтмишда барча ўзбек хотин-қизлари каби жуда катта ва оғир азоб-уқубатларни ўз бошимдан кечирган мен, оддий ўзбек аёли ҳам, В. И. Ленинни кўришга ва у билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман.

Юқорида айтиб ўтганимдек, 1921 йилда (мен у вақтда Тошкентнинг «Эски шаҳар» қисмида район партия комитетининг хотин-қизлар бўлимида ишлар эдим) шарқнинг бошқа хотин-қиз делегатлари билан бир қаторда Москвага совет шарқи хотин-қизлар активларининг кенгашига юборилган эдим.

Наҳотки Москвада бўлиб, Ленинни кўролмай кетсак? Ленинни кўриш ва у билан бироз бўлса ҳам суҳбатлашишни талаб қилганимиздан кейин, бизга озиқ-овқат масалалари юзасидан Бутунроссия кенгаши бўлаётган бинога боришни маслаҳат бердилар. К. Цеткин ва М. Колонтайлар бизни кенгаш бўлаётган жойга юбора туриб, агар Владимир Ильичга, сиз билан меҳнаткашларнинг вакиллари, айниқса шарқдан келган хотин-қизлар учрашмоқчи деб айтилса, албатта у сизларни қабул қилади, дедилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Биз бинонинг ёнига етиб келишимиз биланоқ, Ильич ҳам чиқиб келди. Бу учрашувдан у жуда хурсанд бўлди ва Шарқ хотин-қизларининг Москвада бўлиши янги совет тузумининг буюк ғалабаларидан биридир, деди.

Кунлардан бирида бизни коммунистик интернационал III Конгрессининг мажлисига таклиф қилдилар. Залдагилар Шарқ хотин-қизлари делегациясини оёққа туриб олқишладилар.

Бир куни, кенгаш давом этаётган вақтда (унга Н. К. Крупская раҳбарлик қилаётган эди) мен В. И. Ленин билан унинг иш кабинетида учрашишга муяссар бўлдим. Бу ерда бўлган қисқача суҳбат ҳеҳқачон менинг ёдимдан чиқмайди. Ленин дарҳол бизнинг Москвада қандай жойлашганлигимизни, ҳол-аҳволимизни суриштирди ва ишларимиз билан қизиқди. Ильич кулимсираб Шарқдан келган хотин-қизларга қандай совға манзур бўлар экан деб сўради. Октябрь қуёшидан баҳраманд бўлиб, янги ҳаёт қуришни ўрганиш учун Москвага келганлигимиз ва Сиз билан учрашганлигимиз биз учун энг яхши совғадир, бундан қимматлироқ нарса бўлиши мумкин эмас деб жавоб бердик.

Биз билан борганлардан бири Владимир Ильичга мени кўрсатиб, бу оддий ўзбек аёли шонли Коммунистик партиянинг аъзоси деб айтганларида, у жуда севинди, ҳатто ҳаяжонланиб кетди. В. И. Ленининг Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари бизнинг партиямизни тушуниб оладилар ва у кўрсатган йўлдан борадилар, деб айтган сўзлари ҳамон эсимда. Ильич башорат қилиб айтганидек Ўзбекистон хотин-қизлари Коммунистик партия раҳбарлигида янги жамиятнинг актив қурувчиларига айландилар, ҳозир улар партия XXI съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Пировардида ўртоқ Ғойибжонова колхоз аъзоларига мурожаат қилиб, бу йил ҳам ўтган йилдагидек пахтадан янада мўл ҳосил олишликларига умид билдирди.

Ильич, — деб ўз сўзини бошлади Г. Исмоилова, — Шарқ хотин-қизларининг отасидир. Биз Москвада ўн кун яшаб, пойтахтимизни тамоша қилдик ва у ерда эркаклар билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилаётган рус аёллари билан танишдик. Рус аёллари бизни очиқ чеҳра билан кутиб олдилар ва ўз ишлари билан таништирдилар. Биз бу дугоналаримиз билан ҳозиргача учрашиб, хат ёзишиб турамиз.

Ўртоқ Ғойибжонова айтганидек биз Ленинни мижжа қоқмай кутиб турар эдик ва Ильичга ундан олдин салом беришга тайёрланиб турардик. Бироқ у биздан олдин салом берди. Сўнгра биз бир овоздан «Салом Ленин» дедик. Ленин озод Шарқ хотин-қизларини кўриш мен учун жуда катта бахтдир, деди. Сизлар янги ҳаёт қуришга қатнашяпсизлар, бу жуда катта воқеа. Энди ўз атрофингизга бошқа хотин-қизларни ҳам жипслаштиришингиз керак, деди. Ильич ўз суҳбатини шу кароматли сўзлар билан бошлади. Ўзбек хотин-қизлари В. И. Ленининг қисқа ва ажойиб саволларига жавоб берди. Ильич эса ҳар бир аёлнинг сўзини эътибор билан тинглар эди. Суҳбат давомида биз Ленин билан ўзбек одати бўйича кўришдик. Ҳозир сизларнинг олдингизда ўзининг тўла ва мукаммал эсдаликларини гапириб берган ўртоқ Ғойибжонова эса Ленинни қучоқлаб ўпди. Бу билан у ўзбек хотин-қизларининг Ленинга бўлган миннатдорчилигини, фарзанднинг отасига бўлган меҳрибонлигини билдирган эди. Улуғ доҳи ўзбек хотин-қизларининг бу меҳрибончилигини кўриб беҳад қувониб кетди. Сўнгра В. И. Ленин ўзбек хотин-қизларига ўз ишларида катта муваффақиятлар тилади. Биз эса Ленининг шаҳдам қадамларини кузатиб қолдик. Унинг гапирган гаплари мағзини чақар эканмиз, доҳининг маслаҳатларига, кўрсатмаларига, васиятларига умрбод содиқ бўлиб қоламиз, деб қасамёд қилдик.

Ўртоқ Исмоилова ўз сўзининг охирида олдинги қаторларда ўтирган колхознинг илғор механизаторларига қараб, пахтачиликда механизациядан янада кенг фойдаланиш, кетмондан воз кечиш ҳозирги кунинг энг асосий вазифаси, болаларим деди. Шунингдек ўртоқ Исмоилова колхозчи хотин-қизларни механизацияни ўрганишга, чорва фермаларига бориб ишлашга чақирди. Булар ҳаммаси шарафли ишдир, партия ва ҳукуматимизнинг шиоридир деди.

Учрашув кечаси тамом бўлгандан кейин кекса коммунистлар колхознинг илғор механизаторлари, пахта усталари ва чорвачилик фермаси аъзолари билан суҳбатлашдилар ва уларга етти йилликнинг иккинчи йилида ўз ишларида катта-катта муваффақиятлар тиладилар.

Р. НОРЖИГИТОВ.

Суратда: кекса коммунистлар колхоз механизаторлари, пахта усталари ва чорвачилик фермаси аъзолари билан суҳбатлашмоқдалар.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 24 ФЕВРАЛЬ.

Кўкламга тайёргарлик

Далаларда баҳор шабадаси эсиб қолди. Миришкор деҳқонлар мўл ҳосил етиштириш тараддудида чигит экишга қизғин тайёргарлик кўряптилар. РТС коллективлари, колхоз устахонасининг механизаторлари техникани кўкламга созлаб қўйиш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги Ўртасарой РТСида ҳам иш қизғин. Ремонтчи ишчилар — слесарлар, токарлар ҳар бир соатни ғанимат билиб қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тезлаштирмоқдалар. Бу ерда бошланган социалистик мусобақада слесарь ўртоқ Н. Тошев ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилаётир. У кундалик топшириқни узлуксиз ортиғи билан бажариб келди. Шу билан бирга ишнинг сифатли бўлишига ҳам алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ҳам РТС ходимлари бу илғор слесардан намуна олмоқдалар. Суратда: Ўртоқ Нишон Тошев иш устида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.



1250 центнердан кўкпоя оламиз

Ўтган йили маккажўхори, картошкадан мўл ҳосил етиштиришда бизнинг трактор-далачилик бригадамиз яхши натижага эришди. 5 гектар ердаги картошканинг ҳар гектаридан 19 тоннадан ҳосил, 35 гектар ернинг ҳар гектаридан 500 центнердан кўкпоя олдик.

Бу йил колхоз правленнеси бизнинг бригадага 150 гектар ер ажратди ва маккажўхори экишни топширди. Ҳамма ерни шудгор қилиб қўйдик, ҳозир маҳаллий ўғит тўпламоқдамиз. Илғор маккажўхорикорлардан ўрнак олиб бу йил ҳар гектар ердан 1250 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқдамиз. Шунга кўра кўклам экин кампаниясига астойдил тайёрлик кўрмоқдамиз. Тракторларни ремонтдан чиқариб қўйдик.

С. МАҲКАМОВ,

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Хитой ва СССР тинчликка астойдил интилмоқдалар

Неру баёноти

Олимпия ўйинларида

Президент Эйзенхауэр сафарга чиқди

Хитой халқи Совет Армиясини қутламоқда

ПЕКИН, 22 февраль. (ТАСС). Буюк Совет Армиясининг 42 йиллиги кунида Хитой халқ озодлик армиясининг жангчилари ўзларининг энг яқин оғалари ва жанговар сафдошларига энг қизғин саломларини йўллайдилар, деб ёзади бугун ўз мақоласида «Цзефанцзюнь бао» газетаси.

Бутун дунё халқлари, деб таъкидлайди газета, Совет Армиясининг бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишига қўшган буюк ҳиссасига юксак баҳо беради. Яқинда Совет Иттифоқи ўз ташаббуси билан ўз қуролли кучларини яна 1.200 минг кишига қисқартириш тўғрисида эълон қилди. Хитой 1951 йилдан бошлаб ўз қуролли кучларини ярмидан кўпроққа қисқартди. Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлайди «Цзефанцзюнь бао» газетаси, Хитой ва Совет Иттифоқининг тинчликка астойдил интилаётганлигини ёрқин исбот этди.

Хитой халқи ва Хитой халқ озодлик армияси, деб ёзади «Цзефанцзюнь бао» газетаси, Совет Армиясининг 42 йиллигини нишонлаб туриб, буюк Совет Армияси ва улуғ совет халқи билан бузилмас жипслиги ва дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, империалистларнинг найрангларига нисбатан ҳушёрлигини тағин ҳам кўпроқ оширади. Совет Армиясининг қаҳрамонона жасорати ва тарихий тажрибаси, деб ёзади пировардида «Цзефанцзюнь бао» газетаси, халқ озодлик армияси учун ҳамма вақт намуна бўлиб хизмат қилади.

Ҳиндистон парламентида Неру баёноти

ДЕҲЛИ, 22 февраль. (ТАСС). Деҳли радиоси хабар беради: бош министр Неру бугун Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида баёнот берди.

Неру Ҳиндистоннинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан сиёсатига ва Чжоу Энь-лайнинг Деҳлига таклиф қилинишига тўхталиб, мен Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри билан учрашишдан ҳеч қачон воз кечган эмасман,— деди. Неру бу учрашувни энг қулай вазиятда ташкил этишни истайман,— деб қайд қилди.

Неру АҚШ президенти Эйзенхауэр билан ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан олиб борган музокараларига ҳам тўхталиб ўтди. Неру ҳар иккала давлат арбоби Ҳиндистонга, Ҳиндистоннинг мақсад ва ниятларига дўстона қараганликларини таъкидлаб, ана шу музокаралар вақтида юксак даврада кенгаш чақириш, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш ва Африка халқларининг революцион ҳаракати каби халқаро проблемалар муҳокама қилинди,— деди.

Неру, Африка халқларининг революцион ҳаракатига тўхталиб, Ҳиндистон Африка халқларига нисбатан очиқ кўнгил ва яхши ниятлар билан қарайди,— деб уқтириб ўтди. У, французларнинг Саҳройи-Кабирда атом бомбасини синаб кўрганликлари жуда ачинарли ҳол,— деди.

Бош министр парламент депутатларини Ҳиндистонни ривожлантириш учинчи беш йиллик планининг баъзи топшириқлари билан таништирди. Неру, жумладан, планда мамлакатнинг миллий даромадини ҳар йили беш процент кўпайтириш кўзда тутилади, — деб таъкидлади.

Скво Вэллида

СКВО ВЭЛЛИ, 22 февраль. (ТАСС). Кеча 33 спортчи шимолий двоеборье бўйича олимпия биринчилигининг биринчи қисми юзасидан мусобақалашдилар. Бу двоеборье чанғида трамплиндан сакрашни ва 15 километр масофада чанғида пойга қилишни ўз ичига олади. Ҳар бир чанғичи 60 метрли трамплиндан уч марта сакради. Булардан иккита энг яхши сакраш зачетга кирди.

Чанғида трамплиндан сакраш бўйича 22 яшар немис спортчиси Георг Тома ғолиб чиқди. У 221,5 очкога (69 плюс 67,5) эга бўлди. Иккинчи ўринни совет чанғичиси Дмитрий Кочкин эгаллади. У 219,5 очко (64,5 плюс 67) олди. 218,5 очко (62,5 плюс 68) олган Япония вакили Йосукэ Это учинчи ўринни эгаллади.

Бугун двоеборчилар Макинни Крикда 15 километр масофада пойга қилиш учун старт оладилар. Бу пойга спортнинг бу турида қишки олимпиаданинг чемпионини аниқлаб беради.

ЭЙЗЕНХАУЭР ЖАНУБИЙ АМЕРИКА БУЙЛАБ САФАРГА ЖЎНАДИ

ВАШИНГТОН, 22 февраль. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Эйзенхауэр бугун Жанубий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнади. У, Бразилия, Аргентина, Чили ва Уругвайга боради.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР СЎЗИ

ВАШИНГТОН, 22 февраль. (ТАСС). АҚШ президенти Эйзенхауэр кеча самолётда Латин Америкасига учиб кетиши олдидан ўз сафарининг мақсадлари тўғрисида радио ва телевидение орқали ахборот берди.

Президент бундай деди: «Халқаро вазият кескинлашган кунларда, давлатларнинг бир-бирига қарамлиги ўсиб бораётганлиги сабабли шухрат-парастлик интилишлари ва проблемалар пайдо бўлган кунларда яхши шериклар бир-бирларининг фикрини кўпроқ тушуниб олишлари ва умумий программани яхшилашлари лозим».

Шу муносабат билан у, Латин Америкаси давлатларининг Қўшма Штатлар фикрини «баъзан нотўғри англаётганликлари»дан таассуфланганлигини билдирди. Президент Латин Америкасида тарқалган фикрни, яъни Қўшма Штатлар машъум «коммунистик империализм хавфи» деган нарсага ҳаддан ташқари эътибор қилмоқда ва «ғарбий ярим шарда ҳамкорлик ва тараққиёт вазифаларига эътибор бермаётир» деган фикрни бунга мисол қилиб келтирди. Эйзенхауэр Қўшма Штатларнинг сиёсати ҳақидаги ана шу таниқидга жавобан бундай деб даъво қилди: «Бизнинг (яъни Қўшма Штатларнинг) мамлакат ичкарисидаги, шунингдек чет эллардаги ҳарбий программамиз ягона бир мақсадни — тинчликни сақлаш мақсадини кўзда тутади. Бу эса, биз учун қандай аҳамиятга эга бўлса, Латин Америкаси учун ҳам шундай аҳамиятга эгадир».

Эйзенхауэр сўзининг охирида қуйидагиларни айтди: Мен Латин Америкасининг давлат арбоблари билан музокаралар олиб борганимда ана шу мамлакатларга доир қуйидаги проблемаларни, чунончи «тараққиёт учун керакли капиталларнинг йўқлиги, экспорт қилинадиган моллар нархининг гоят ўзгариб туриши, меҳнат унумдорлигини ошириш учун умумий маҳаллий бозорларга эга бўлиш ва янги кредитлар жалб қилиш, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой қурилиши ва транспортни яхшилаш зарурлиги каби» проблемаларни муҳокама қиламан.

ЧОРВАДОРЛАР ЎҚУВИ

Бир неча ўн кундирки, «Химик» совхозида чорвадорлар ўқуви давом этмоқда. Бу ердаги машғулотларда 80 дан ортиқ сут соғувчи, чўчқабоқар, молбоқар, бузоқбоқарлар қатнашмоқда. Совхознинг бош зоотехниги ўртоқ Собир Солиҳов чорвадорлар ўқувига раҳбарлик қилаётир. Машғулотларда илғор чорвадорлар, сут соғувчилар ўз тажрибалари ҳақида гапириб бермоқдалар. Масалан, Чирчиқ шаҳар Советининг депутати чўчқабоқар А. Артаманова «Концентрат озуқа ва у билан чўчқаларни тўғри боқиш йўллари», молбоқар Фотиҳ Иногомов «Қиш ойларида молларни кечки озиқлантириш» тўғрисида сўзлаганларида машғулот қатнашчилари завқ билан тингладилар.

Чорвадорлар ўқуви жуда уюшқоқлик билан ўтаяпти. Программага мувофиқ 132 соат машғулот ўтказилиши лозим. Ҳозиргача 102 соатдан ортиқ машғулот ўтказилди. Машғулотларда кўрилаётган масалалар, илғорларнинг тажрибаси ҳаммани қизиқтираяпти.

Бу ерда боғдорларни ўқитиш ҳам бошлаб юборилди. Боғдорлар ўқувида 120 дан ортиқ киши қатнашмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Ёшлар ғайрати

Ўтган йили Фрунзе номли колхозда 1715 гектар ерга чигит экилган, гектаридан 26 центнердан ҳосил олинган ва давлатга 410 тонна пахта нам сотилиб, план бажарилмай қолган эди. Бунга ўтган йили маҳаллий ўғитдан яхши фойдаланилмагани ҳам сабаб бўлган эди.

Бу йил колхозчилар Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди қарорларидан илҳомланиб, ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил олиш, ҳосилдорликни ўтган йилга нисбатан 5 центнердан ошириш мажбуриятини олдилар.

Колхоз ёшлари бу мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишига ҳисса қўшиш мақсадида маҳаллий ўғит тўплаш учун юриш бошладилар. Улар ҳар гектар ерга 10 — 11 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш учун аҳд қилиб ишга киришдилар. Колхоз правлениеси ёшларнинг ташаббусини қувватлаб, уларга 6 та автомашина, 25 та автокачка ажратиб берди.

Ёшлардан Турғун Исмоилов, Ғанибой Раҳимбердиевлар 20 — 25 тоннадан гўнг чиқаришга аҳд қилдилар. Ҳолмат Эрдалиев, Ғиёс Абдуллаев сингари аравакашлар ҳар куни далага 3,5—4 тоннадан гўнг чиқармоқдалар.

Гўнг тўплаш ва уни далага чиқариш ишида колхоз ёшларидан 80 киши қатнашаётир. Комсомолдан Назира Нуриддинова, Халима Тешабоева, Ровза Урмонова, Назим Жондалиева сингари қизлар гўнг тўплашда, машина ва араваларга гўнг ортишда бошқаларга намуна бўлаётирлар.

В. БОБОХОНОВ,

Янгийўл районы.

Этига-эт қўшилмоқда

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз чорвадорлари шу йилнинг ўзида давлатга гўшт сотиш юзасидан уч йиллик планни бажариш мажбуриятини олганлар. Колхоз чорвадорлари ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун курашмоқдалар.

Гўштнинг мўл бўлиши учун барча зарур тадбирларни амалга ошираётирлар. Тажрибакор чорвадорлардан С. Бўланбоев билан А. Ўсканбоев 180 бош қорамолни бўрдоқи қилиб боқяптилар. Бўрдоқига қўйилган молларга хилма-хил озуқа берилиб, ўз вақтида парвариш қилинаётир. Натижада моллар этига-эт қўшилиб тез семирди.

Яқинда колхоз бўрдоқига боқилган қорамоллардан 124 тасини давлатга гўштга топширди. Ҳар бир қорамолнинг оғирлик вазни 300 килограммгача бўлиб ўрта ва ўртадан юқори семизликда бўлгани аниқланди.

Чўпонлардан Н. Укубоев, А. Мелибоев ўртоқлар боқимидаги 400 бош бўрдоқи қўй ҳам яхши семирди. Уларнинг ҳар бири 60 — 65 килограммга етди. 95 бош чўчқа тўйдириб боқилаётганидан кундан-кунга этига-эт қўшилаётир.

Б. АҲМЕДОВ.

Далачилик бригадасининг технология картаси

Далачилик бригадаси учун технология картасини қандай қилиб тузиш керак? Бу саволга жавобни «Хўжалик ҳисобига ўтган комплекс механизациялаш бригадасида пахтани етиштириш ва териб олиш юзасидан технология картаси» деган брошюрадан топасиз. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси нашр этган бу брошюрада Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий ходимларининг материаллари умумлаштирилган.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари асосида тахминий технология схемаси ишлаб чиқилган. Схемада меҳнат операцияларининг тартиби, дала ишларининг муддатлари ва ҳажми кўрсатилган, механизмлардан рационал фойдаланиш йўллари кўрсатилган. (ЎзТАГ).

ЭРТАГИ КАРТОШКА ЭКИЛДИ

КАЛИНИН. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Охунбобоев номли колхознинг Киров участкасидаги 4, 5, 6 ва 7- бригадаларида кузда яхшилаб шудгор қилиб, ўғитланган ерларга «ранний роза» навли эртапишар, яровизация қилинган картошка уруғи экила бошлаган эди. Колхоз аъзолари февраль ойининг ғанимат иссиқ кунларидан фойдаланиб, 20 гектардан ортиқроқ ерга барвақт пишадиган картошкани экиб олдилар. Ўртоқ Худойберди Ҳакимов бошлиқ 4- бригаданинг меҳнатсевар аъзолари 5 гектар ерда картошка уруғини барвақт экиб, ҳаммага намуна бўлдилар.

Колхоз бўйича яна 40 гектар ерга эртаги картошка уруғи экилади. Колхозчилар бу эртаги экиндан пландаги 13 ўрнига 14 тоннадан ҳосил олиб, июнь ойининг бошларида шаҳарлик меҳнаткашларни арзон картошка билан таъминлашга аҳд қилганлар.

Колхозда экин экиладиган 1000 гектар ер куздаёқ сифатли шудгор қилиниб, ўғитлаб қўйилган. Далага 5 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Қолган 2 минг тонна маҳаллий ўғит ҳам тез суръатлар билан далага ташилмоқда. Катта хўжаликнинг азамат деҳқонлари 1960 йилда 500 тоннага яқин сабзавот, 420 тонна картошка, 250 тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 150 тонна узум етиштириш мажбуриятини олганлар. 100 гектар ерга маккажўхори экилиб, гектаридан 50 тонна ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Ҳосилнинг 50 проценти кўк поялигида силос қилинади.

ҒАНИШЕРЧИ БРИГАДАЛАР

ТУЙТЕПА, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан) Ўрта Чирчиқ районидаги колхозларда гулистонлик машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусовнинг пахтачиликни комплекс механизациялаштириб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳақидаги ҳати қизғин муҳокама қилинмоқда. Бригада, звенолар Ғанишер Юнусов бошлиқ бригада аъзоларининг янги ватанпарварлик ташаббусига қўшилаётирлар.

«Полярная звезда» колхозининг Ўртоқ Нам Син Мўн бошлиқ бригадаси аъзолари Ғанишер Юнусов ҳаракатига биринчи бўлиб қўшилдилар. Бригада 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш ва ҳар бир бригада аъзоси учун 30 тоннадан «оқ олтин» етиштиришга, ҳамда бир центнер пахтанинг таннархини 120 сўмдан оширмасликка карор қилди. Охунбобоев номли колхознинг Ўртоқ Ҳасан Ҳамроев раҳбарлик қилаётган звеноси бу ҳаракатга қўшилиб, 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олди. Звенода бир центнер пахтанинг таннархи юз сўмдан ошмайди. Свердлов номли колхознинг Парпи Тўхтаев, «Ленин йўли» колхозидан Ғ. Машрабов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш шарти билан янги ҳаракатга қўшилдилар. 12 бригада, звено Ғанишер Юнусов чақиригига қўшилиб, кўкламга пухта тайёргарлик кўраётир.

Сиз қанча ҳисса қўшдингиз?

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида 20 февралгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Районлар нинг номи	Гўшт	Сут	Тухум	Районлар нинг номи	Гўшт	Сут	Тухум
Оққўрғон	20,4	9,8	28,6	Ўрта Чирчиқ	14,1	12,9	12,9
Бекобод	17,5	14,7	32,0	Сирдарё	20,8	11,7	8,7
Бўстонлиқ	14,1	10,4	8,2	Чиноз	19,7	16,7	17,1
Бўка	11,1	8,9	11,0	Янгийўл	19,4	11,1	4,5
Юқори Чирчиқ	17,3	11,5	13,8	Олмалиқ шаҳри	12,0	11,0	22,6
Гулистон	12,5	9,7	6,9	Оҳангарон шаҳри	28,0	—	9,2
Калинин	17,8	13,9	10,1	Янгиер шаҳри	20,4	11,1	11,9
Қуйи Чирчиқ	18,3	12,5	20,0	«Узглавскотокорм» шаҳар базаси	9,6	—	—
Оржоникидзе	19,1	10,3	11,7				
Пискент	12,4	8,6	7,4				

Аспирантларга ғамхўр ва талабчан бўлайлик

Республикамизда илмий кадрларни тайёрлаш иши билан 50 га яқин аспирантура шуғулланади. Бу аспирантуралар олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар ҳузурида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ишида 200 профессор ва фан доктори ҳамда бир қанча тажрибали доцент ва фан кандидатлари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси йўли билан 300 га яқин йигит-қиз Москва, Ленинград, Киев ва бошқа йирик илм-фан марказларида тадқиқот олиб бормоқда. Ҳозир республика аспирантураларида 800 дан ортиқ аспирант таълим олаётир. Аспирантларнинг кўпчилиги техника ва табиий фанлар соҳасида ишламоқда. Масалан, 300 дан ортиқ аспирант физика, математика, кимё ва техника соҳаларида олим бўлиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Аспирантларнинг 500 дан ортиғи ўзбеклар, 200 га яқини хотин-қиз бўлиши маҳаллий миллат вакилларидан ва айниқса хотин-қизлардан илмий кадрлар тайёрлашга нақадар катта эътибор берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатма ва қарорларида, шунингдек СССР Олий Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунида аспирантлар тайёрлаш ишларини тубдан яхшилаш тадбирлари белгилаб берилган. Партия ва ҳукуматимизнинг яқинда диссертация ишлари сифатини яхшилаш ва илмий унвонлар бериш тартибини яхшилаш тадбирлари ҳақида чиқарган қарори бу ҳамхўрликнинг янги ёрқин далили бўлди.

Аспирантураларимиз илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида бир қанча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Лекин улар ишида жиддий камчиликлар бор. Кўпгина аспирантуралар йил сайин қабул қилиш планини бажармай келадилар. Масалан, Тошкент Давлат педагогика институти аспирантурага қабул қилиш планини ўтган йили 41,7, Тошкент Давлат медицина институти эса 54,5 процентгина бажардилар. Ўрта Осиё политехника институтида ҳам аспирантурага қабул қилиш плани бажарилмай келади.

Баъзи ўқув юртлари ва илмий муассасаларда аспирантурага қабул қилишнинг конкурс тартибига риоя қилинмайди. Имтиҳонлар конкурссиз ўтказиларади. Масалан, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида 1958 йилда пландаги 12 ўринга ҳаммаси бўлиб 11 киши имтиҳон топширган, Ўрта Осиё политехника институтида эса 11 ўринга 12 киши имтиҳон топширган. Бундай шароитда аспирантурага энг қобилиятли, ишчан, илмий ишга ҳаваси зўр кишиларни танлаб олиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Аспирантура орқали илмий кадрлар тайёрлашдаги яна бир жиддий нуқсон олий ўқув юртини эндигина тугатган, ишлаб чиқариш иш стажига эга бўлмаган кишиларни қабул қилишнинг ҳамон давом этаётганлигидир. Тўғри, аспирантурага қабул қилиш тартибига мувофиқ истисно тариқасида айрим истеъдодли ёшларни олий ўқув юртининг илмий кенгаши тавсияси билан аспирантурага қабул қилиш мумкин. Аммо кўпгина олий ўқув юрти ва илмий муассаса аспирантура бўлими бу истиснони суиистеъмол қиладилар. 1958 йилда ўқишни битирган 19 киши ишлаб чиқариш стажига эга бўлмагани ҳолда САГУ аспирантурасига қабул қилинган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Математика ва Ўлка медицинаси институтлари бўйича қабул қилинган 26 аспирантдан 9 киши ҳеч қандай ишлаб чиқариш стажига эга бўлмагани ҳолда конкурс имтиҳонларидан ўтказилган.

Республика олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларида 1957 ва 1958 йилларда 134 киши аспирантлик муддати тамом бўлмасданоқ ўқишдан кетиб қолган. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида 1958 йилда 4 аспирант ўқишдан кетиб қолди. Шулардан 3 киши ўзлаштира олмагани учун аспирантурадан четлаштирилди. Айни ҳолни Ўрта Осиё политехника институти ва бошқа муассасаларда ҳам учратамиз.

Аспирантларнинг кўпгина қисми ўқишни тамомлагач, диссертация ёқламайдилар. Масалан, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти аспирантурасини 1956 — 1957 ўқув йилида тамомлаган 10 аспирантдан бирон киши ҳам диссертация ёқламади.

Бу каби камчиликларнинг содир бўлишига асосий сабаблардан яна бири аспирантларга раҳбарлик қилувчи кадрларнинг тўғри танланмаслигидир. Кўпгина илмий раҳбарлар лозим бўлган илмий унвонга ва илмий раҳбарлик тажрибасига эга бўлмаганлари ҳолда тайинланаверадилар. Бунинг натижасида айрим профессор, фан докторлари ўнлаб аспирантга раҳбарлик қиладилар. Баъзи илмий раҳбарлар эса ўз ишларининг кўплигини баҳона қилиб, аспирантларга яхши раҳбарлик қилмайдилар, ёш тадқиқотчига дурустроқ маслаҳат бермайдилар, уларнинг диссертацияларини ёқлашга тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар. Ваҳоланки, бундай раҳбарларга давлатнинг жуда кўп маблағи сарфланади.

Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, физика-математика фанлари кандидати Р. Маллин 1954 — 1959 йиллар мобайнида ўзи раҳбарлик қилаётган 5 аспирантнинг биттасини ҳам диссертация ёқлашга тайёрламаган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси селекция станциясининг старший илмий ходимлари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидатлари В. Какуев, Б. Страумал ўртоқлар кўп йиллардан бери 3 — 4 тадан аспирантга раҳбарлик қилганликлари ҳолда бирон фан кандидати етиштириб чиқармаганлар.

Шуниси ачинарлики, кўпгина ҳурматли академикларимиз, фан докторларимиз ҳам аспирантларга раҳбарлик қилишни, ўз билимларини ёшларга беришни бир нечанчи даражали иш деб қарайдилар. Филология фанлари доктори Иззат Султонов ана шундай илмий раҳбарлардандир. Бу олим ўзига бириктирилган аспирантларни кўп вақт овора қилади, уларга маслаҳат беришни ўзининг бурчи эканлигини унутиб қўяди. Унинг аспирантлари ойлаб, йиллаб маслаҳат ололмай, ҳатто диссертация темасини, планини ҳам тасдиқлатиб ололмай сарсон бўлиб юрадилар.

Айниқса Ўзбекистон учун гидротехника соҳасида ишловчи илмий ходимлар жуда ҳам зарур бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув проблемалари институтининг раҳбарлари аспирантлар тайёрлаш ишига ниҳоятда совуққонлик билан қарайдилар. Институт директори, академиянинг корреспондент аъзоси Р. Алимов ўзи аспирантларга яхши раҳбарлик қилмаётган ҳолда, институт бўйича ҳар йили 8 — 10 аспирант қабул қилиш планини бажариш ҳақида ўйламайди. Геология соҳасидаги илмий мутахассисларга бўлган эҳтиёж жуда катта. Лекин академиянинг тог-кон бўлими раҳбари Ю. Альферов аспирантура орқали кадрлар тайёрлаш ишига масъулиятсизлик билан қараб келмоқда. Бу каби фактларни бошқа илмий-текшириш муассасалари ва олий ўқув юртлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Республика фанлар академиялари, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларининг раҳбарлари аспирантура ишига ниҳоятда жиддий эътибор беришлари, аспирантура бўлимларининг ишини яхшилашлари, ҳар бир аспирантга ғамхўрликни кучайтиришлари, илмий тадқиқот ишлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришлари ва айниқса илмий раҳбарларнинг иши устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Республикамизда, айниқса йирик илмий марказ бўлган Тошкент шаҳрида, аспирантура орқали илмий кадрлар тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Вазифа — ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, аспирантлар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш, ҳар бир аспирантнинг ўқиш муддати тамом бўлиши билан диссертация ёқлаб фан кандидати бўлишига эришишдан иборатдир. Бу масала институт, университет ва илмий муассаса ҳамда район, шаҳар партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши лозим. Аспирантларнинг ўқишини, илмий ишларини ҳаёт билан мустаҳкам боғлаш учун ҳамма чораларни кўрайлик.

М. ФАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети олий ўқув юртлари бўлимининг старший референти.

Инсонпарвар студентлар

Катта бино ёнида олди томони ва ёнида қизил крест белгиси бўлган иккита машина турибди. Бино ичида ва машина атрофида оқ халат кийиб олган кишилар юришибди. Буни кўрган одам бирон медицина муассасаси ё касалхонага келиб қолдимми деб ўйлайди албатта. Йўқ, аслида ундай эмас. Бу ер Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, ҳалиги машиналар эса қон қуйиш станциясиники.

— Студентлар олижаноблик қилмоқдалар,— дейди институт шифохонаси бошлиғи ўртоқ Мария Ивановна Сидорова.— Улар ўз қонларини ихтиёрий равишда бепул топширяётирлар. Ҳозир институтнинг 600 дан ортиқ студент, ўқитувчи ва хизматчиси донорлар сафига ёзилган.

Қон топшириш тартиби билан қизиқдик. Таклиф қоғози олган студент аввал медицина кўригидан ўтади. Кўрикдан ўтган киши, махсус хонада дам олиб, иссиқ чой ичади, овқатланади. Шундан сўнг қон топширилади.

Студентлар ҳовлидаги донорлар машинаси ичига кириб, бирин-кетин қон топшириб чиқадилар. Ҳар бир донордан 200 граммдан қон олиняпти. Бўлажак транспорт инженерлари беморларга мадад берувчи ўз қонларини бажонидил топширяётирлар.

— Донорлар — энг олижаноб кишилардир. Мен буни аварияда қолиб ҳушсиз ётганда ҳис қилганман. Менга ўшанда ҳаёт бағишлаган нарса — донорнинг қони бўлган,— дейди механика факультетининг 4-курс студенти В. Боровиков. Мана, энди унинг ўзи қон бераяпти. Бу қон фавқулодда фалокатга йўлиқиб қолган бошқа бир совет кишисига зарур бўлар, балки уни ўлимдан сақлаб қолар. Қон топширяётган студентларнинг ҳаёлидан ана шундай ўйлар кечади.

Қон қуйиш станцияси ишлаган бир куннинг ўзида юздан ортиқ студент-донор қон топшириб бўлди. Бу қонлардан Тошкент темир йўлига қарашли шифохоналарда фойдаланилади.

Студентлар ихтиёрий равишда қон топшириш билан инсонпарварлик, олий ҳимматлик ва юксак онглилик намунасини кўрсатмоқдалар.

С. МУСАЕВ.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида

Оҳангарон шаҳри қурувчилари яқинда болаларга яхши совға тортиқ қилдилар. Бу ерда Оҳангарон ГРЭСида хизмат қилувчи ишчиларнинг болалари учун катта болалар боқчаси биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Суратда: болалар боқчаси биносининг умумий кўриниши.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Рационализаторлар ҳиссаси

Олмалиқ. Яқинда шаҳардаги Техника уйида Олтинтопган комбинати ихтирочи ва рационализаторларининг кенгаши ўтказилди. Кенгашда комбинатнинг бош инженери ўртоқ К. Цветков доклад қилди. Цехлардаги рационализаторлар ва ихтирочилар сони ҳозир 300 дан ортиқдир. Улар ўтган йили турли йўллар билан ишлаб чиқаришни яхшилашга қаратилган 500 га яқин таклиф киритдилар.

Кенгаш қатнашчилари рационализатор ва ихтирочилар ҳаракатини янада авж олдириш тадбирларини белгиладилар. Жумладан комбинат инженер-техник ходимларини йил охиригача индивидуал равишда биттадан рационализаторлик таклифи киритиб, 1960 йилда комбинат бўйича 3 миллион 50 минг сўм ёки ўтган йилгидан қарийб 1,5 миллион сўм кўп маблаг тежашга чақириб, мурожаат қабул қилинди.

В. Нечаев.

Янги нон заводи

Оққўрғон. Алимкент қишлоғи марказида типовой нон заводи қурилиб яқинда ишга туширилди. Заводда хамир қориш, корхона ичкарисида нонни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишлари механизациялашган. Шу туфайли бу ерда бир суткада 15 тонна юқори сифатли нон пиширилмоқда. Бу завод ишга туширилганидан қишлоқ аҳолиси жуда мамнун бўлаётир.

М. Ойдинов.

Техника маорифи кабинети

Чирчиқ. Шаҳардаги электрокимё комбинати зиёдиларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида корхонада техника маорифи кабинети ва техника лекторийси ташкил этишга қарор қилинди. Кабинет ва лекторий катта совет кимёси эришаётган ютуқларни ва муҳим илмий кашфиётларни пропаганда қилади. Бу эса комбинатда ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, фан ютуқларини жорий этиб, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, кимёгарлар маданият саройи ҳузуридаги маданият университети маданият ва техника университетига айлантиридилар.

С. Титов.

Вертолет узоқни яқин қилди

Бўстонлиқ. Тоғли районнинг узоқ қишлоқлари билан Тошкент шаҳри орасида вертолет қатновининг йўлга қўйилиши аҳолига қулайлик туғдирди. Ҳозир Тошкент-Пскем, Тошкент-Қурчмулла, Ғазалкент-Тошкент, Ғазалкент-Боғистон ҳамда Ғазалкент-Пскем маршрутлари бўйича пассажирлар ташийдиган вертолет мунтазам қатнаб турибди. Район меҳнаткашлари олис ва табиий қийинчиликларга эга бўлган йўлни яқин қилаётган вертолет хизматидан мамнунлик билан фойдаланмоқдалар.

З. Масатов,
В. Қодиров.

Франция Миллат мажлиси депутатлари группаси Тошкентдан жўнаб кетди

Франция Миллат мажлиси депутатлари группаси Ўзбекистонда бўлган охирги куни — 23 февраль эрталаб Тошкент тўқимачилик комбинатини борib кўрди. Меҳмонлар корхонанинг ишлаб чиқариш участкаларини, бу ерда чиқарилаётган маҳсулотнинг нусхаларини мароқ билан кўздан кечирдилар.

Тушдан кейин Франция Миллат мажлиси раиси Жак Шабан-Дельмас бошчилигидаги Миллат мажлисининг депутатлари группаси Тошкентдан Тбилисига жўнаб кетди. Меҳмонларнинг „Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарида уларга ҳамроҳ бўлиб юрган СССР Парламент группаси раисининг ўринбосари И. А. Каиров ва СССР Олий Советининг депутати С. В. Стефаник ҳам меҳмонлар билан бирга жўнаб кетдилар.

Франция, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси Б. Г. Мирзабеков, республика министрларидан Э. Қ. Қодиров, В. М. Муродхўжаев, В. С. Содиқова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Маъруров, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ж. Тожиева узатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Дастлабки жўжалар

Узбекистоннинг инкубатор станцияларида жўжа очириш пайти келди. Бу йил кўкламги жўжа очиришга одатдагидан бир ой илгари киришилди. Узини оқлаган бу прогрессив усул жўжаларни анча эрта очириш ва мавсум давомида парранда ҳамда тухум етиштиришни анча кўпайтириш имкониятини беради.

Хўжаликлар қўшимча резервларни ҳам қидириб топмоқдалар. Масалан, Мирзачўлдаги зотли паррандачилик совхози икки хил наслни чатиштириш натижасида жуда маҳсулдор паррандаларни етиштирмоқда. Бу наслдан бўлган парранда уч ойлик бўлганда унинг вазни 1,3 килограммга етади.

Паррандачилик фабрикалари гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Бундай фабрикалар бешта иннкубатор станцияси ҳузурида ташкил қилинмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ бир минг центнер парранда гўшти олинади.

Етти йиллиннинг иккинчи йилида Узбекистонда парранда етиштириш қарийб тўрт баравар кўпаяди. (ЎзТАГ).

МОСКВАДАН ХАТ

„Етти йиллик амалда“

Москвадаги маданият ходимлари марказий уйида «Етти йиллик амалда» деган Бутуниттифоқ бадиий фотография виставкаси очилди. Виставка кўпмиллатли Ватанимиз халқларининг ҳаёти ва ижодий меҳнати ҳақида кенг маълумот беради. Совет ерининг пейзажи, узоқ Камчаткадан тортиб Қорақум чўлларигача бўлган бепоён Ватанимиздаги меҳнат пафосн бу виставка экспонатларида поэтик ифодасини топган.

Виставка экспонатлари орасида тошкентлик фотографларнинг асарлари катта ўринни эгаллаган. Ўзбекистон пойтахти бадиий фотография усталарининг кучли отрядига эга. Г. Графкиннинг моҳир чўпон Хошнур Кунсуровни тасвирловчи фотоси, В. Сироткин ва И. Глауберзонларнинг «Социалистик меҳнат қаҳрамони Турсуной Охунова» деб аталган фотоси, И. Збарский суратга олган ганч ва ёғоч ўймакори Мақсуд Қосимов портретини кўрган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Збарский юқоридаги портрет билан бирга «Хоразмча рақс» фотосуратини ҳам виставкага тақдим қилган. Бунда жуда кўп кишининг ҳаракати жуда яхши қамраб олинган. Бирон ажойиб моментни илиб олишдаги моҳирлик тошкентлик бошқа бир фото устаси — Г. П. Перменев асарларида ҳам кўринib турибди. Унинг «Тўсиқлардан сакраш» деб атаган сурати фотосанъатининг ёрқин намунасидир. Бу суратда ўзбек чавандозининг ботир ва эпчиллиги очиб берилган. Г. Перменевнинг бир қанча фотосуратлари Ўзбекистон республикасининг бойлиги — пахтага бағишланади.

Москва тамошабинлари меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнини ифодаловчи суратларни қизиқиб тамоша қилмоқдалар.

В. ПОКРОВСКИЙ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги учун

Урал автомобиль заводининг мутахассислари «Уралзис —355» маркали юк автомобилидан фойдаланиб, оригинал конструкцияда самосвал яратдилар. Машина 3 тонна юк кўтаради. Телескоп типидаги кўтаргичли гидронасос ёрдамида кузов кўтарилади. Таги металлдан, ён томон деворлари эса ёғочдан ишланган платформа ўнг, чап ва орқа томонларга оғиб, юкни хоҳлаган томонга тўкиши мумкин. Шу сабабли ҳам бу янги самосвалдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, жумладан ғалла, сабзавот маҳсулотлари, картошка ва ўғит ташишда кенг фойдаланиш мумкин. Самосвалнинг иккита тажриба нусхаси Челябинск областидаги совхозларда синаб кўрилганда яхши натижа берди. Завод коллективи қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган бу машинанинг дастлабки партиясини тайёрлаб, шу йилнинг ўзида колхоз ва совхозларга юбориш мажбуриятини олди.

Кутубхона кўмакчилари

Тошкент шаҳар Ленин районидаги А. Гайдар номли болалар кутубхонасида 30 мингга яқин китоб бор. Бу ерда райондаги ҳамма мактаб ўқувчиларини учратиш мумкин.

Ёш китобхонлар кутубхонанинг энг яхши ёрдамчиларидир. 180-мактаб ўқувчиси Феруза Каримова китобни пропаганда қилишда кутубхона ходимларига яхши ёрдам бермоқда. У мактабдошлари орасида энг яхши китобларни тарқатиш ишида актив қатнашмоқда. 94-мактаб ўқувчиси Люда Брикина ҳам энг яхши китоб тарқатувчиларидандир.

Кутубхонага актив ёрдам бераётган бундай ўқувчиларнинг кўпайиб бориши китоб пропагандасини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда.

А. КИМ.

Областимизнинг энг ёш шаҳри Янгиердаги маданий муассасалар меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар болалар кутубхонаси ҳам доим китобхонлар билан гавжум бўлади. Суратда: кутубхонадан болалар янги китоблар олмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Телевизор экранида

24 ФЕВРАЛДА

19.30. Рус тилида «Ёшлар клуби» деган эшиттириш.

20.00. Узбекистон композиторларининг янги асарлари. Округ офицерлар уйидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

Хуршидани кўрган борми?

Шу йил 18 февраль куни оиламиз учун кўнгилсиз воқеа рўй берди. Шу куни эрталаб соат 10 да энг кичик фарзандим Хуршида йўқолиб қолди. У, уйимиз олдидаги Октябрь район совет колхоз бозорига ўйнаб чиқиб кетган экан. Бу хунук ходиса ҳақида дарҳол милиция органларига хабар қилдим. Кўплашиб қидирдик. Ҳалигача ҳеч бир дарак бўлмаяпти.

Фарзандимни топишда менга ёрдам қилишар деб, энди жамоатчиликка мурожаат қилмоқдаман. Қизим ўзи 3 ёшда. Эгнида чий духобадан кўйлаги ва шалвари, оёғида калиши бор, бошяланг. Хуршиданинг қош-кўзи ва сочи қора, озгинроқ. Қизчамни кўрган ёки у ҳақда бирон гап эшитган кишилар бўлса менга хабар қилишар деган умидламан.

Адресим: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Переяславская кўча, 133-уй.

Эгамберди ТЎРАЕВ,
пенсионер.

Кексалар хурсанд

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг ўзаро ёрдам кассаси қишлоқ хўжалик артелининг кекса аъзолари, Ватан урушининг инвалидлари ва уларнинг оилаларига катта моддий ёрдам бериб келмоқда.

83 ёшли кекса колхозчи Саид бобо Жуманазаров, Ватан урушининг инвалиди Алибой Тошбоев ўртоқларга ўтган йилнинг ўзида 1200 сўмдан пул, 200 килограммдан ғалла бериб, катта ёрдам қилинди.

Ёрдам кассасидан ажратилган пул билан бир неча кекса колхозчиларнинг уйлари ремонт қилиб берилди. Кейинги вақтларда айрим колхозчилар ёрдам касса ҳисобидан путевка олиб, курорт ва санаторийларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Колхоз ёрдам кассаси меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган кексалар ва инвалидларга бир йил ичида 100 минг сўмдан ортиқ пул, 25 тоннага яқин ғалла берди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Тошкент янгиликлари

Ишчилар факультети

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида инженер-техник ходимларнинг малакаларини ошириш мақсадида 10 ойлик ишчилар факультетини ташкил этди.

Факультетга заводнинг 43 мутахассиси жалб қилинган. Булар орасида электр машина цехининг мастери И. Горбенко, завод бош технологи Н. Хлинин, тепловоз цехи бошлиғининг ўринбосари Т. Мирхантов ва бошқалар бор. Факультет ўқувчилари ТЭ-3 тепловозларини электр билан ускуналаш йўлларини ўрганадилар. Машғулотларни институтнинг тажрибали илмий ходимлари олиб борадилар.

ЗАВОДНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Ремонт-экскаватор заводининг меҳнатсевар коллективи КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, қишлоқ хўжалигимиз учун юқори иш унумли янги механизмлар тайёрлаш учун курашмоқда. Бу йил завод С — 80 тракторига тиркаб ишлатиладиган асбоб, бетон қуядиган ускуна, трактор лебедкаси ва 6 тоннагача юк кўтара оладиган бир ўқли тележка каби янги маҳсулотларни ўзлаштириб, оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришди. Бу янги механизмлар қишлоқ хўжалигида оғир иш процессларини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

12 ТА ЯНГИ АПТЕКА ОЧИЛАДИ

Область аптекалар бошқармаси ўсиб бораётган талабни ҳисобга олиб, Тошкентда 1960 йилда 12 та аптека биноси қуриб, фойдаланишга топширишни планлаштирди. Чилонзор массивининг марказий кўчасида тез кунларда очиладиган янги типдаги катта аптека шуларнинг биридир. Бу аптекани зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун юз минг сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. Уч бўлимдан иборат бу аптекада 40 киши меҳнаткашларга хизмат қилади. Аптека учун ҳозирги замон энг янги медицина техникаси асбоблари Москва, Ленинград ва Чехословакиядан келтирилди.

„Ҳаваскорлар саҳнаси“

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти Республика халқ ижодий уйи томонидан тайёрланган «Ҳаваскорлар саҳнаси» тўпламини босиб чиқарди. Бадиий ҳаваскорларга ёрдам тариқасида чиқарилган бу китобда бир пардали пьесалар, шеърлар ва музика асарлари бор.

Тўпламга Б. Халиловнинг «Кўёв», И. Аҳмедовнинг «Меҳреиз», И. Аҳмедов ва О. Толиповларнинг «Шпаргалка», У. Умаровнинг «Айб кимда?» деган бир пардали пьесалари, Ҳакима Ҳасановнинг «Мен — коммунист» Қўчқор Зоир шоирнинг «Жон Москва», Аҳмаджон Ниёзмуродовнинг «Ўзбекистон», Абдурахмон Қодировнинг «Қишлоғим» сарлавҳали шеърлари киритилган. Китобда музика асарларига ҳам кенг ўрин берилган. Уларнинг кўпчилиги Ватан ва партияни улуғловчи, завқли меҳнат ва бахтли ҳаётни куйловчи ёш композиторлар яратган янги оммабоп қўшиқлардир.

«Бадиий ҳаваскорлар кутубхонаси» сериясида чиқарилган бу тўплам шаҳар ва қишлоқ бадиий ҳаваскорлар коллективларининг репертуарини янги асарлар билан бойитишга ёрдам беради.

Тошкентдаги «Подёмник» заводи ишлаб чиқарган маҳсулотлар Яқин шарқ ва Халқ Демократияси мамлакатларига ҳам экспорт қилинади. Ҳозир корхонада кўтарма кранларнинг навбатдаги партиясини чет элга жўнатишга тайёргарлик кўрилмоқда. Суратда: слесарь Ранм Абдуллаев ва техника контроли бўлимининг бошлиғи А. Волков ўртоқлар маҳсулотни Бирлашган Араб Республикасига жўнатиш олдидан текшириб кўрмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Тошкентнинг тамоша золарида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/II да **Масхарабозлар ва концерт бўлими**, 25/II да **Зайнаб ва Омон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/II да **Фурқат**, 25/II да **Оқпадар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/II да **Ошиқ Ғариб**, 25/II да **Раис уйланармиш**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 24/II кеч соат 8 яримда **Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа**. Артист **Нина** ва **Александр Капитановлар** иштирокида янги аттракцион **«Чангалзордаги ҳодиса»**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНО

Хўрланганлар (кенг экранли янги фильм, 1-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Сени излайман — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Аччиқ севги — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Бой ила хизматчи — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26 февралда
Ўзбек давлат филармонияси
ХОР КАПЕЛЛАСИНИНГ
концерти

Капелланинг бадиий раҳбари ва бош дирижёр — **Абдуқаҳхор Султонов**, дирижёр-хормейстер — **Ботир Умиджонов**.

Концертда: солистлардан **Ҳолпошша Оқилова, Лола Сонбова, Фарида Муҳитдинова, Назира Ҳонкелдиева, Азиза Ҳазимбек, Знёдулла Ҳамдамов, Ғали Искалиев, Изом Садриев, Ашур Давидов**лар қатнашади.

Программада: ўзбек, рус, қорақалпоқ, уйғур, туркман, қозоқ, украин, корейс, молдаван ва ҳинд халқ ашулалари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Чиғатой кўчаси, 2-Чимбой, 128-уйда турувчи **Неъматжон Мамажоновнинг** Чиғатой кўчаси, 1-Чимбой, Хўжалик проезди, 56-уйда турувчи Ирисбуви Ойматовна Нортоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида кўрилади.

Пушкин проезди, 9-уйда турувчи **Николай Сергеевич Авакаянц**нинг Безимянний тупик, 26-уйда турувчи Тамара Мирзаджановна Абгаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 05085. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1539.